

ТАЪЗИЯ



16:02 / 16.09.2020 2513

«Hilol-nashr» нашриёт-матбааси ҳамда Islom.uz портали жамоаси GRAND TA'LIM жамоаси муассасанинг ўқув-услугий ишлари бўйича директор ўринбосари, араб тили устози Қобилжон Зоҳидовнинг акалари Абдуқаҳҳор ҳожи Зоҳидовнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ушбу мусибат дамларида марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз ва барча яқинларига Аллоҳ таоло гўзал сабр берсин.

Водийнинг Марғилон шаҳрида истиқомат қилган Абдуқаҳҳор ҳожи диёнатли киши эдилар. Илм аҳлига муҳаббатли, уламоларга ҳурмати юксак, солиҳ инсон эдилар. Аллоҳ таоло марҳумнинг барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, Ўзининг шомил мағфирати ва раҳматига олсин.

«Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъун»

«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз».

Islom.uz портали